

Тошкентда «Файзуллахўжа ўғли Муродхожи» номидаги янги жоме масжиди очилди



07:10 / 13.06.2019 2793

Тошкент шаҳрида яна бир масжид давлат рўйхатидан ўтказилиб, юртимиз муслмонлари учун ўз фаолиятини бошлади. Бу ҳақда Ўзбекистон муслмонлари идораси Масжидлар бўлими хабар беради.

Жорий йилнинг 12 июнь куни Учтепа туманидаги «Кўркамобод» маҳалласида «Файзуллахўжа ўғли Муродхожи» жоме масжиди расмий фаолиятини бошлади. Масжиднинг очилиш маросимида Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов иштирок этди.

Ушбу ибодат уйи 1997 йилда қурилган бўлиб, маҳаллий масжид сифатида фаолият юритиб келган. Кейинчалик «Файзуллахўжа ўғли Муродхожи» жоме масжиди 2006 йилда қайта таъмирланган.

Аллоҳ таоло ушбу мўътабар жоме масжидни халқимизга муборак айласин,
янги масжидлар сонини янада зиёда қилсин.

Islom.uz портали таҳририяти